# ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

19 декабр, шанба 1998 йил №142(643)


Ушбу сонда:


2 ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИНГ МУСТАҲКАМ ҲИМОЯЧИСИ

3 «TV» ДАСТУРИ

4 МУБОРАК ОЙ


# ПЕТРУ ЛУЧИНСКИ ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРГА ЮҚОРИ БАҲО БЕРДИ

**18 декабр куни Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Молдова Президенти Петру Лучински иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида асосан Ўзбекистон билан Молдова ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.**







Мамлакатимиз раҳбари Молдова билан ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор билан қарашини таъкидлаб, Ўзбекистонда ушбу давлатда кечаётган янгиланишлар диққат билан кузатиб борилаётганини ва иқтисодиёт соҳасидаги муносабатларимиз равнақи учун кенг имкониятлар мавжуд эканини қайд этди. Молдовани демократия барқарор ривожланаётган, коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кучли кураш олиб борилаётган, халқи эса тобора жипслашиб, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида фаол меҳнат қилаётган давлат деб биламиз, деди жумладан Ислом Каримов.

Ўзаро мулоқот давомида Ўзбекистон билан Молдова ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилда 9 миллион, жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида эса 5,8 миллион АҚШ долларини ташкил этгани қайд этилиб, бу кўрсаткичлар ҳар икки давлатнинг салоҳият ва имконияти даражасига мос эмаслиги таъкидланди. Шу боис, бу миқдорни ошириш ва умуман савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласи музокараларнинг бош мавзуи бўлди. Ислом Каримов шу йил апрел ойида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия тузилганини айтиб, энди унинг доимий равишда фаолият юритишини таъминлаш, бунинг учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва маблағ ажратиш масалаларини ҳал этиш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, Молдова томонига виночилик, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги, айниқса, Ўзбекистонда қандлавлаги етиштиришда яқин ҳамкорлик ўрнатишни таклиф қилди.

- Яқинда Хоразмда шакар заводи ишга туширилди,- деди жумладан давлатимиз раҳбари.- Мазкур корхонага хомашёни четдан келтириш мақсадга мувофиқ эмас. Ўзимизда қандлавлаги етиштиришни йўлга қўйиш биз учун ҳам, сиз учун ҳам фойдали бўлур эди.

Молдовада бунинг учун катта тажриба ва етарли имконият бор. Бундан ташқари, мебелсозлик, тўқимачилик, енгил саноатнинг қатор бошқа соҳалари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатишимиз, молия-саноат гуруҳлари тузишимиз, корхоналараро алоқаларни ривожлантиришимиз мумкин. Бу икки томон учун ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Музокараларда транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари Молдова жуда қулай жўғрофий минтақада жойлашганини айтиб, Ўзбекистон товарларини Европа бозорларига етказишда бу мамлакатдаги коммуникация воситаларидан фойдаланишни мақбул, деб билишини таъкидлади. Ўзбекистоннинг Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлагани учун Молдова томонига миннатдорлик билдирди.

Шунингдек, Ислом Каримов Молдова томонига Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбойжон ва Грузия томонидан минтақада транспорт коммуникациясини ривожлантириш тўғрисида имзоланган ҳужжатга қўшилишни таклиф қилди.

- Молдова орқали бизга Европага йўл очилса,- деди Ислом Каримов,- ўз навбатида Ўзбекистондаги минтақавий коммуникация тармоқлари Молдова учун Осиё бозорларига чиқиш имконини беради.

Петру Лучински икки томон учун ҳам бирдек манфаатли таклифларни илгари сургани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, ўтган қисқа даврда Ўзбекистон эришган ютуқларга юқори баҳо берди.

- Аслида икки мамлакат ҳам қарийб бир хил вазиятда мустақил тараққиёт йўлига кирган,- деди Молдова Президенти.-Лекин Ўзбекистонда кечаётган янгиланишлар ўзига хослиги, халқнинг миллий тафаккурига, жўғрофий шароитга, иқтисодий имконият ва ақлий салоҳиятга асосланганини билан ажралиб туради. Ўзбекистон катта тажриба тўплади, эндиликда бу тараққиёт моделининг нечоғли самарали эканини бугун эришаётган ютуқларингиз кўрсатиб турибди.

Биз Ўзбекистондаги янгиланишларни катта қизиқиш ва мамнуният билан кузатиб келмоқдамиз.

Сиёсий масалалар хусусида икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасидаги муносабатлар бўйича ўзаро маслаҳатлашувни йўлга қўйишга келишиб олинди. Қатор халқаро миқёсдаги масалалар бўйича томонларнинг нуқтаи назари бир хил ёки ўхшаш экани қайд этилди. Жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги хусусида икки давлат Президентларининг яккама-якка суҳбатида қарийб бир хил фикр баён қилингани таъкидланди. Яъни, юзма-юз мулоқот давомида Ўзбекистон ва Молдова раҳбарлари МДҲ доирасида ҳарбий ёки сиёсий блок тузишни маъқулламаслиги, Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш масаласига қарийб бир хил ёндошиши маълум қилинди.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Афғонистон ва Тожикистондек нотинч давлатлар билан чегарадошлиги хавфсизлик масаласига эътиборни кучайтириш заруратини келтириб чиқараётганига тўхталиб, мамлакатимизнинг минтақавий барқарорликни таъминлаш, қўшни давлатлардаги можароларни бартараф этиш борасидаги ташаббус ва саъй-ҳаракатлари Молдова томонидан қўллаб- қувватланаётганидан мамнуният изҳор этди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар ниҳоясида Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Молдова Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги Декларацияга имзо чекдилар.

Сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Молдова Президентлари бўлиб ўтган мулоқотлар давомида кўрилган масалалар, эришилган келишувлар хусусида сўзладилар. Томонларнинг музокаралардан тўла қониқиш ҳосил қилганини таъкидланди.

Матбуот анжуманида мамлакатимиз Президенти МДҲ доирасидаги воқеаларга тўхталиб, бу борада Ўзбекистон раҳбариятини таажжубга соладиган айрим жиҳатлар юзага келаётганини таъкидлади. Кишинёв ва Москва саммитларида Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш учун махсус анжуман ташкил этиш таклифи илгари сурилган эди, деди жумладан Президент. Шу мақсадда Россия хавфсизлик кенгашининг собиқ котиби Б.Березовский МДҲ котиби этиб сайланди, ҳар бир аъзо мамлакатдан анжуманга экспертлар юборилди. Анжуман бир йил давомида фаолият кўрсатиб, бу давр мобайнида бир қанча мажлислар ўтказди ва муайян ҳужжатлар ишлаб чиқди. Бу ҳужжатлар МДҲ Бош вазирлар кенгашининг муҳокамасидан ҳам ўтди. Лекин кейин Б.Березовский тамомила бошқа ҳужжатни олиб МДҲ мамлакатлари бўйлаб сафар бошлади. Бу ҳужжат анжуман экспертларининг мажлисларида эришилган келишувга мос келмас эди. Буни қандай тушуниш мумкин? Экспертлар ишини йўққа чиқариб, Ҳамдўстлик тақдирини ҳар бир давлат раҳбари билан алоҳида-алоҳида учрашувларда ҳал қилишни қандай изоҳлаш керак? Ўзбекистон раҳбарияти МДҲ доирасидаги барча масалаларни биргаликда ҳал қилиш тарафдори. Умумий масалаларни алоҳида-алоҳида мулоқотлар билан ечишни тўғри йўл деб бўлмайди.

Молдова Президенти П.Лучински бу фикрларни қўллаб-қувватлади.

Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.Куннинг иккинчи ярмида П.Лучински Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги Миллий боққа ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон шеърият мулкининг султони ҳайкали пойига гул қўйди.

Шундан сўнг Молдова Президенти Олий Мажлисга ташриф буюрди. Ўзбекистон парламенти раиси Э.Халилов билан учрашувда икки мамлакат ўртасида парламентлараро алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ташриф асносида юксак мартабали меҳмон Олий Мажлиснинг янги биносини кўздан кечирди.

Молдова раҳбари Халқаро савдо-кўргазма мажмуининг қурилаётган биносини ҳам кўздан кечирди. П.Лучински қурилиш ишлари билан танишар экан, Ўзбекистонда замонавий иншоотлар тобора кўпаётганини, бу мамлакатимизнинг собит қадамлар билан тараққиёт поғоналарини бирма-бир босиб ўтаётганидан дарак беришини айтди.

Президент П.Лучински ва Бош вазир Ў.Султонов Ўзбекистон ва Молдова ишбилармонларининг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ўтказилган бизнес семинари очилишида ҳам иштирок этдилар. Анжуманда бундай учрашувлар икки мамлакат ўртасида тадбиркорлар ва хўжалик субъектлариаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Юксак мартабали меҳмон Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳам бўлди. Пойтахт ҳокими К.Тўлаганов билан учрашувда шаҳарда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида сўз борди, икки мамлакат пойтахтлари ўртасида ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш масаласи юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Молдова Республикаси Президенти Петру Лучинскининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Меҳмон 18 декабр куни Тошкентдан жўнаб кетди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Москвада МДҲ мамлакатлари ички ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ўз ишини ниҳоясига етказади. Мажлисда уюшган жиноятчиликка қарши, сиёсий ва диний экстремизмга, наркотикларни ноқонуний олиб ўтишга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик асосида иш тутиш сингари масалалар муҳокама этилди.

● Москвада Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шоқосим Шоисломов Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцинга ишонч ёрлиғини топширди.

● Жаҳон банки Қирғизистонга 36 миллион долларлик кредитдан дастлабки 17 миллион долларини ажратди. Бу маблағ Қирғизистоннинг ижтимоий дастурини амалга ошириш учун ажратилган.

● Беларус Президенти Александр Лукашенко Россияга қилган ўзининг амалий ташрифи чоғида Россия ва Беларус учун ягона валютани жорий этишни таклиф қилди.

● БМТнинг ҳарбий назоратчилари билан ҳамкорлик қилишдан Бағдод бош тортганлиги муносабати билан БМТнинг қуролсизланиш бўйича махсус комиссияси раиси комиссия аъзоларини олиб чиқиб кетиш юзасидан кўрсатма берганидан сўнг АҚШ ва Буюк Британия Ироқнинг ҳарбий ва давлат иншоотларига қарата ракеталардан зарбалар бердилар. АҚШ Президенти Билл Клинтон ва Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Ироқ ҳарбий зарбалар берилишининг олдини олиш бўйича унга берилган имкониятдан фойдаланмаганлиги хусусида баёнот бердилар.

*Шарҳ*

## «САҲРО ТУЛКИСИ»

Ана шу ном остида Ироққа қарши бошланган жанговар ҳаракатларни дунёнинг бир неча давлатлари қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, Япония, Германия, Канада ва Австралия ана шундай мамлакатлар сирасига киради. Шу билан бир қаторда,Ироқни, одатда, мунтазам ҳимоя қилиб келган давлатлар бу гал ҳам мазкур ҳаракатларга нисбатан эътирозларни билдираётир. Ўз навбатида, Хитой билан Россия эса бу ҳарбий ҳаракатларни қатъиян қораламоқда. Пекиннинг баёнот беришича, бундай ҳол БМТ Хартиясини қўпол равишда бузиш ҳисобланади. Москванинг фикрича, мазкур жанговар ҳаракат халқаро ҳуқуқ тамойилларига мутлақо хилофдир.

Гап шундаки, 16 декабрдан 17 декабрга ўтар кечаси Ироқ давлатига қарши ялпи ҳаво ҳужуми бошланди. Бу 1991 йилнинг феврал ойида Форс кўрфазида уруш тугаганидан буён ўтган вақт оралиғида амалга оширилган навбатдаги еттинчи ҳужумдир. Америка Қўшма Штатлари Ҳарбий-денгиз флотининг кўрфазда турган кемалари ҳамда «Б-52» бомбардимончи самолётларидан отилган 100тадан 200тагача «Томогавк» русумли қанотли ракеталар Бағдод шаҳридаги, шунингдек, пойтахтнинг шимол ва жануб қисмидаги муайян нишонларни мўлжалга олган. Пентагон вакилининг маълум қилишича, бу нишонлар Ироқнинг оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқариш дастури билан боғлиқ ҳарбий иншоотлар ҳисобланади.

Кейинги ҳужумларда АҚШнинг «Энтерпрайз» ҳарбий кемасидан учирилган самолётлар ҳамда Буюк Британиянинг жанговар самолётлари иштирок этмоқда. Жанговар ҳаракатлар бир неча кун давом этиши тахмин қилинаётир.

Пентагондан билдиришларига қараганда, шу яқин кеча-кундузда Қўшма Штатлар яна 100та самолётини, шу жумладан, «Ф-117» қирувчи учоқларини ҳам Форс кўрфази ҳудудига йўллайди. Ҳозирги пайтда эса АҚШнинг 24 минг ҳарбий хизматчиси ҳамда 22та жанговар кемаси Ироқ мамлакатига яқин соҳилларда жойлашган бўлиб, ана шу кемалардан саккизтасининг саҳнида «Томагавк» русумли қанотли ракеталар мавжуд. Шунингдек, Форс кўрфази ҳудудида Қўшма Штатларнинг 201та ҳарбий самолёти, шу жумладан, 15та «Б-52» бомбардимончиси ҳам бор.

Мутахассисларнинг баҳолашича, кўрфаздаги ана шу ҳарбий гуруҳ жами 400та қанотли ракетага эга. АҚШ Ҳарбий-денгиз флотидаги ушбу «Томогавк»лардан ҳар бирининг нархи қарийб 1 миллион доллар туради. Узунлиги олти метрлик ва титанли жанговар каллаги 454 килолик бу ракеталарнинг парвоз масофаси 1,6 минг километрни ташкил этади.

Ироқ ҳарбий иншоотларини назорат қилиш бўйича БМТ махсус комиссияси Бағдодни Ироқ ҳарбий объектларида текшириш ўтказишга халақит берганликда куни кеча охирги марта айбланганлиги ҳаво ҳужуми бошланишининг асосий сабаби бўлиб қолмоқда. Сир эмаски, Ричард Батлер бошчилигидаги БМТ махсус комиссияси назоратчилари бир неча кун бурун Бағдодни тарк этишгач, АҚШ Президенти Билл Клинтон ҳужумни бошлаш ҳақида қарор қабул қилган эди.

Клинтоннинг айтишича, АҚШ ҳукумати мусулмонларнинг муқаддас Рамазон ойи бошлангунига қадар мазкур операцияни амалга ошириб улгуриш мақсадида тезкорлик билан ҳаракат бошлаб юборган.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Ироққа қарши куч ишлатилиши муносабати билан таассуфда эканини изҳор этар экан, халқаро ташкилот бу мамлакатга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва юзага келган тангликни барқарорлаштириш йўлида дипломатик саъй-ҳаракатларни кучайтириш учун тайёр эканлигини маълум қилди.

Ироқ давлати раҳбари Саддам Ҳусайн эса мамлакат қуролли кучларини ва аҳолини мазкур ҳужумга қарши курашга чорлади.Жаҳон оммавий ахборот воситаларида ҳаво ҳужуми оқибатида Бағдод шаҳри ва унинг теварак-атрофида ўлганлар ҳамда ярадор бўлганлар сони ҳақида турли-туман хабарлар кўпайиб бормоқда.

Шу билан бир қаторда, АҚШ ва Буюк Британия ушбу нотинч ҳудудга яқин мамлакатлардаги ўз фуқароларининг хавфсизлиги учун қайғуришларига тўғри келаётир.

Хусусан, Буюк Британия ташқи ишлар вазирлиги эълон қилган баёнотда қатъий уқдирилишича, 16 декабрда иттифоқдошлар томонидан Ироққа қарши ҳаво ҳужуми амалга оширилганлиги муносабати билан Яқин Шарқ ва Форс кўрфази мамлакатларига сафар қилишни мўлжаллаган Буюк Британия фуқаролари воқеалар ривожини кузатиб боришлари ҳамда зарурий эҳтиёткорлик чораларини кўришлари керак.

Маълумотларга қараганда, Буюк Британиянинг йирик сайёҳлик ташкилотларидан бири бўлган «Томсон» компанияси Исроил ҳудудидаги Эйлат курортидан 700 нафар инглиз сайёҳини шошилинч равишда кўчира бошлаган. Шарҳловчиларнинг фикрича, АҚШ ва Буюк Британия уюштирган жанговар ҳаракатлар учун ўч олиш мақсадида Ироқ Исроилга қарши ҳужум уюштириши мумкин, деган таҳликали хавотир ана шундай чоралар қўлланишига сабаб бўлмоқда.

**«Туркистон-пресс» НАА.**

## Кўкдалалик аёлларга совға

Чироқчи туманидаги Мозорли қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти ишга тушди. Шифо масканида физиотерапия, диагностика, болалар ва хотин-қизларни текширувдан ўтказиш хоналари, лаборатория, дорихона мавжуд.

Шифохонани «Қашқадарёқишлоққурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 11-деҳқон қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёд этди. Қурилишга 17 миллион сўм, замонавий тиббий асбоб-ускуналарни сотиб олишга эса 3,5 миллион сўм сарфланди.

- Бу қишлоқ врачлик пункти «Кўкдала» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган Каттақишлоқ, Мозорли, Кулбар қишлоқларидаги тўрт мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатади,- дейди Чироқчи туман марказий касалхонасининг бош врачи Холиёр Қодиров. - Энди беморлар хўжалик марказидаги шифохонага қатнаш ташвишидан қутилдилар. Таъбир жоиз бўлса, бу Аёллар йили арафасида кўкдалалик аёлларга ажойиб совға бўлди.

**А.ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири**

## Ўқитувчиларга эҳтиром

**Пойтахтда «Йил ўқитувчиси-98» анъанавий республика кўрик- танлови бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган беллашувларнинг ғолиблари тўрт кун давомида ўз педагогик маҳоратларини намойиш этдилар.**

**Кўрик-танлов шартларига кўра, дастлаб иштирокчиларнинг компьютер саводхонлиги синаб кўрилди, чет тилини билиш бўйича суҳбат ўтказилди. 110-мактабда ўтказилган очиқ дарсларда эса уларнинг педагогик маҳоратлари, ўз фанларига бўлган қизиқишлари, касбларига фидойиликлари, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур талабларига мувофиқ ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтира олиш қобилиятлари текширилди.**

**Мусобақа якунлари бўйича Тошкент шаҳридан Бибисора Ҳасанова «Бунёдкор ўқитувчи», бухоролик Шуҳрат Мирхонов «Изланувчан ўқитувчи», хоразмлик Роҳатой Саидова «Энг фидойи ўқитувчи», қашқадарёлик Хадиба Орипова «Ташаббускор ўқитувчи» номларига сазовор бўлди. Кўрик-танловнинг барча иштирокчиларига «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» унвонлари берилди.**

Б.МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири

## Нодавлат ташкилотлар халқ хизматида

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, шифокорларни ишбилармонликка жалб этиш, беморларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида тиббиётда нодавлат тизими ташкил этилган эди. Оролбўйи ҳудудида бу борада қилинаётган ишлар ҳақида Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар бошқармаси бошлиғи Тўхтабой Султонов шундай дейди:

- Қорақалпоғистонда ҳозир 70 та нодавлат соғлиқни сақлаш ташкилотлари хизмат кўрсатаётир. Мулк шаклига кўра 288 хусусий, 14 жамоат, 5 та кичик корхона, иккита ҳиссадорлик ва масъулияти чекланган жамият, 19 та фирма, 2 та хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда 462 малакали мутахассис меҳнат қилмоқда. Жорий йилда улар аҳолига 30 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатди. Яъни 125 минг нафар бемор дардига даво топди.

«Савлат», «Стоматолог», «Тиббиёт», «Озодлик» сингари ўнлаб тиббий хизмат нуқталари мижозлари сони бир йил мобайнида икки-уч марта ортди. Бунинг сабаби, мазкур тиббиёт муассасалари энг замонавий асбоб-ускуналар, зарур дори-дармонлар билан тўла таъминланган. Бу масканларда малакали шифокорлар ишлайди. Шифокорларнинг якка тартибда ишлашлари учун кенг йўл очилди. Ҳозир бундай иш билан 91 врач банд. Аммо уларнинг асосий қисми Нукус шаҳрида фаолият кўрсатаётганини ҳам тан олишимиз керак.

Президент Ислом Каримовнинг шу йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган давлат Дастури тўғрисида»ги Фармони тиббий хизматни янада яхшилашда янги уфқлар очди. Айниқса пуллик хизмат тизимини босқичма-босқич амалга ошириш аниқ белгиланганини муҳимдир. Биз ўз ишимизни ана шу йўналишда ташкил қиляпмиз.

Келаси йил бир неча хусусий даволаш муассасалари қуриш, хизмат ҳақини қатъий белгилаш каби ишларни амалга оширамиз. Хуллас, якка тартибда ишловчи шифокорларнинг янада кенг фаолият кўрсатишлари учун етарли шароит яратилади.

**А.ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

